Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 29-aprel, seshanba № 53 (3402)

*Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.*

Ислом КАРИМОВ

**Давра суҳбати**

## Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш

### ҳамкорлик муносабатларида бош мезон

***Жорий йилнинг 28 апрел куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.***

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари, алоқадор вазирлик ва идоралар, Давлат қўмиталари вакиллари, иш берувчилар бирлашмалари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари, касаба уюшма фаоллари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Бюроси экспертлари иштирок этишди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда ходимларнинг меҳнати муҳофазаси, уларга хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш масалаларига эътиборнинг йил сайин кучайиб бораётгани таъкидланди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, ходимларга нормал меҳнат шароитларини яратиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, мамлакатимиз Мустақиллигининг илк кунларидан барча соҳаларда техник ва технологик янгиланиш ва модернизация ишлари диққат марказида бўлиб келмоқда, шунингдек, режали равишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига жиддий ёндашилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг V-Қурултойидан сўнг касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш йўлидан борилиб, Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиққан ҳолда белгилаб олинган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ эта бориб, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва бунда, албатта, асосий эътиборни профилактика ишларига қаратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йиллар давомида меҳнат муҳофазаси йўналишида тизимли ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ва иш берувчилар масъулиятини янада ошириш масалалари фаолиятнинг асосий мезони этиб белгиланди.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари» ишлаб чиқилди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

**Танлов**

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият юритаётган ёш ўқитувчилар иштирокида «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» танловининг якуний босқичи юқори савияда ўтказилди.***

## «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси»

Иштирокчилар янги технологиялар асосидаги дарснинг сифати, мазмуни, услубий қиммати, аҳамиятини тўлақонли очиб бериш, машғулотларда компютер техникасидан самарали фойдаланиш, барча талабларга жавоб берадиган бир соатлик дарс ишланмасини тақдим этиш жараёнлари ёш ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашинувини таъминлади. Шунингдек, «Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими сифатини оширишда стратегик режаларим» тақдимоти ҳам танлов иштирокчиларининг илғор педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги чуқур билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Тақдимот давомида ўқитувчиларнинг нутқ маданияти, аудиторияни жалб эта олиш маҳорати аниқланди. «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» деб номланган савол-жавобда иштирокчилар қонун ва қонуности ҳужжатлари тўғрисидаги тушунчаларини намойиш этибгина қолмасдан, жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ эмасликларини ҳам кўрсатишди.

Баҳс ва мунозараларга бой танловда Лейли Мавлонова «Йилнинг энг фаол ўқитувчиси», Жавлон Ниёзов «Йилнинг энг ижодкор ўқитувчиси», Мирвоҳид Мирзакаримов «Йилнинг энг ҳуқуқий саводхон ўқитувчиси», Гули Иброҳимова «Йилнинг энг яхши дарс ишланмаси», Дилноза Даданова «Йилнинг энг ёш ижодкор ўқитувчиси», Севара Нуралиева «Йилнинг энг ёш ўқитувчиси» каби номинацияларга сазовор бўлдилар.

Ангрен академик лицейининг инглиз тили ўқитувчиси, олтита чет тилида бемалол сўзлаша оладиган, бир қатор илмий мақолалари, услубий қўлланмалари чоп этилган иқтидорли иштирокчи Лейли Мавлонова танлов ғолиби деб топилди ва вилоят босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА**

**Омилкорлик**

***Кейинги икки-уч йил ичида Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманларида, қишлоқ овулларида уч ғилдиракли 15 ва 20 от кучига эга 1500-2000 килограммгача юк ташиш имкониятини берадиган мотоуловлар кўпайиб қолди.***

Айниқса, чекка-чеккадаги овулларнинг аҳолиси «ELDOSH-150EL» мотоцикларининг афзалликларидан хурсанд бўлмоқда. Чунончи, йўл ва юк танламайдиган уч ғилдиракли техникалар қишлоқ аҳлининг оғирини енгил, манзилини яқин қилишда қўл келяпти.

## АҲОЛИГА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

— Аҳолига хизмат кўрсатишнинг ушбу йўналишини бежизга танламадик, — дейди тадбиркор Ислом Қурбаниязов. — Мотоуловларимизга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Самарқанд шаҳридан олиб келиб, ижаравий шартнома асосида аҳолига сотаяпмиз.

Ҳозирда мотоуловнинг «ELDOSH», «TENLONG», «ҲАМКОР» номли янги русумдаги маркалари харидорларнинг эътиборига ҳавола этилмоқда. Янги мотоуловларнинг аввалгиларидан қатор афзалликлари ҳам бор.

— Яқинда нафақага чиқаман, — дейди нукуслик Озод Далибоев. — «ҲАМКОР» маркали мотоуловдан бирини харид қилмоқчиман. Оилабоп ва ҳамёнбоп экан.

Ёш тадбиркор И.Қурбаниязовнинг режалари кўп. Ҳозирда тўрт нафар йигитни доимий иш билан таъминлаган бўлса, келгусида Нукус шаҳрида ҳайвонот боғини ташкил этиш учун давлат рўйхатидан ўтиш ишларини амалга оширмоқда.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Тараддуд**

***Жиззах вилоятида ёзги соғломлаштириш мавсумида жами 68 та оромгоҳга 9325 нафар мактаб ўқувчиси жалб қилиниши режалаштирилган. Шунингдек, шаҳар ташқарисидаги 14 та стационар ва мактаблар қошидаги 54 та оромгоҳ болажонларни бағрига чорлайди.***

## Оромгоҳлар мавсумга шайми?

Мавсумни кўнгилли, мароқли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокими ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати қўшма қарори қабул қилиниб, мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари иштирокида тадбирлар режаси тузилиб, штаб ва ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ йиғилишлари ўтказилиб, тегишли ташкилот, корхона ва идоралар раҳбарлари олдига аниқ вазифалар қўйилиб, ижроси назоратга олинди.

Яқинда вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш болалар оромгоҳларининг мавсумга нечоғлик тайёр эканлигига бағишланди.

Эътироф этилганидек, шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда бугунгача катта ҳажмда ободонлаштириш ва қўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилган. «Алоқачи», «Зангори олов», Ё.Норбеков, Ш.Рашидов номли оромгоҳлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, қатор оромгоҳларда ишлар кўлами сустлигича қолмоқда. Ғаллаорол туман ҳокимлиги ҳомийлигидаги юз ўринли «Камолот» оромгоҳида чиқинди ва ахлат ташлаш жойи ташкил этилмаган. Оромгоҳ ҳовлисини ўраб турган тош деворнинг бир қисми қулаб тушган. Маънавият ва тиббиёт хоналари таъмирталаб. Сузиш ҳавзаси санитария талабларига жавоб бермайди.

Ана шу каби камчилик ва нуқсонлар «Дўстликдон» ОАЖ, «Аҳмад ота-Файз» хусусий корхонаси, Зафаробод пахта тозалаш ОАЖ ҳомийлигидаги «Мирзачўл», «Матлуботчи», «Жилғача» болалар оромгоҳларида ҳам мавжуд. Уларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимлигининг чора-тадбирлар режаси тузилиб, камчиликларни бартараф этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

— Мутасаддилар билан ҳамкорликда болалар оромгоҳларини етарли малака ва тажрибага эга тарбиячи, етакчи, тиббиёт ва бошқа ходимлар билан таъминлаш бўйича рўйхатларни шакллантириш, доридармон ҳамда сифатли озиқ-овқат захирасини яратиш юзасидан қизғин фаолият олиб бораяпмиз, — дейди вилоят КУТБК бўлим мудири Шарофиддин Баҳриддинов. — Мақсадимиз — масъулиятли мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш.

**Абдуманнап АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Ҳар йили шундай. Болажонларимизни соғломлаштириш, дам олдириш учун ёзги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишлари эрта баҳордан бошланади.***

## Барча имкониятлар ишга солинади

Соғлом бола йилида Узун туманида жойлашган Холмуҳаммад Қулниёзов номли оромгоҳ тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Зарур жиҳозлар келтирилиб, мавсумни муносиб кутиб олиш учун ҳозирлаб қўйилди. Аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, оромгоҳда болажонларга хизмат кўрсатадиган 18 нафар педагог тарбиячи, 9 нафар етакчи, 2 нафар спорт йўриқчиси, 6 нафар тўгарак раҳбари умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган маҳоратли ўқитувчилар орасидан танлов асосида саралаб олинади. Маънавий-маърифий тадбирларни сермазмун ўтказиш учун энг муҳим омил сифатида ахборот ресурс маркази ташкил этилади. Туман тиббиёт марказидан врач педиатр, ҳамширалардан иборат малакали мутахассислар жалб этилади.

— Бу йилги мавсум ҳар йилдагидан-да мазмунли ўтади. Чунки ҳар бир оромгоҳ деярли қайта таъмирланди, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. — Вилоятимиз бўйича 5200 нафар бола тоғ ва тоғолди бағрида жойлашган оромгоҳларда дам олдирилади. Бундан ташқари, 16 845 нафар фарзандларимиз 122 та ихтисослаштирилган мактаб ва коллежлар қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишади. Оромгоҳларимизда «Тез тиббий ёрдам» кўрсатиш машиналарининг узлуксиз навбатчилиги ташкил этилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тамонидан тасдиқланган йўриқнома бўйича лозим бўлган барча турдаги дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланади. Ёз мавсуми давомида оромгоҳларда коммунал соҳа, электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ таъминотида мутлақо узилиш бўлмайди. Телефон алоқаси узлуксизлиги таъминланади. Сурхондарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ, Маънавият тарғибот маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиаллари ва бошқа алоқадор ташкилотлар ҳамкорлигида оромгоҳларимизда кўнгилочар маданий-маърифий, спорт тадбирлари узлуксиз ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, бир сўз билан айтганда, болажонларимиз ёз мавсумини мароқли ўтказишлари учун барча имкониятлар ишга солинади.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Олий таълим**

***Яқинда Қарши Давлат университетининг 1500 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Бино қурилишига 18,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Уни «Яккабоғ қўрғони» қурилиш инжиниринг компанияси жамоаси бунёд этди.***

## МАҚОМИГА МУНОСИБ

Университетда 500 нафар профессор-ўқувчи фаолият кўрсатмоқда, шундан 17 нафари фан доктори ва профессор, 174 нафари фан номзоди ва доцентлардир. Олийгоҳ 27 таълим йўналиши бўйича бакалавр ҳамда 11 мутахассислик бўйича магистр кадрларни тайёрлайди.

Дорилфунуннинг келажаги янада порлоқ. 2014 йилда тендер қиймати 4,3 миллиард сўмлик икки қаватли 300 ўринли ахборот-ресурс маркази қурилади, иккита талабалар турар жойини капитал таъмирлашга 2 миллиард сўм маблағ сарфланади.

— «Қуёш энергиясидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш» маркази олийгоҳимиз фахри саналади, — дейди доцент А.Ўроқов. — Марказ қошида битта гелиомайдон, иккита иссиқхона фаолият кўрсатмоқда.

**И. ИСОМИДДИНОВ**

**Бандлик**

## Экспорт салоҳияти ортмоқда

***Ўтган йили Навоий шаҳридаги «Baxt-Textile» қўшма корхонаси учун юксалиш даври бўлди. Пахта толасидан ип калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди.***

Корхона директори Фурқат Турсуновнинг эътироф этишича, «Ипак йўли» банкининг вилоят филиалидан олинган 14,8 млрд. сўмлик кредит маблағи эвазига Швейцариядан келтирилган «RIETER» компаниясининг замонавий автоматлаштирилган дастгоҳлари ўрнатилиб, иш унумдорлиги икки бараварга ошди. Мазкур дастгоҳлар жаҳон бозори талабига жавоб берадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бераётир. Жорий йилнинг биринчи чорагида 2,75 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Жорий йилда модернизация ишлари қизғин давом эттирилиб, йиллик ишлаб чиқариш қувватини 11 минг тоннага етказиш мўлжалланаётир. Ип калаванинг 85-90 фоизини экспортга йўналтириш, яъни 10.8 млн. АҚШ доллар-лик маҳсулотни ташқи бозорга чиқариш кўзда тутилган.

Шу кунларда корхонанинг ҳалқасимон ип йигирув цехида модернизация ишлари якунланмоқда. Келгуси йилдан эса ҳаво усулида ип йигирув цехида янги лойиҳа амалиётга жорий қилиниб, 50 та янги иш ўрни яратилади. Жорий йилда касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 92 нафари билан икки томонлама шартномалар тузилади.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Ижтимоий шериклик**

***«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси айни пайтда жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.***

## Қонун лойиҳасига бағишланди

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорликда ташкил этган «Ижтимоий шериклик: фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида муҳим қадам» деб номланган давра суҳбати шу мавзуга қаратилди.

Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Собир Турсунов бошқарди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ойша Охунованинг «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий шерикликка оид қонунчиликнинг ривожланиши: амалиёт ва истиқбол», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори Абдужалил Тўраевнинг «Ижтимоий шерикликни амалга ошириш бўйича Парламент комиссиясининг ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги фаолияти: таклилий кўрсаткичлар мисолида» мавзуидаги маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори Абдулла Бегматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Баратова, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси бўлим мудири Муҳаррам Дадахўжаева, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими мудири Диёрбек Кимсанов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раис ўринбосари Гавҳар Алимова ва бошқалар музокарада иштирок этиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар ҳамда таклифлар киритдилар.

Тадбир жараёнида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2014-yil 29-aprel № 53 (3402)

# Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш

## ҳамкорлик муносабатларида бош мезон

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Давра суҳбатида ходимлар меҳнати муҳофазасини самарали таъминлашда касаба уюшмалари, иш берувчилар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги самарасини кучайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга оид норматив-ҳуқуқий негизнинг такомиллаштириб борилиши натижасида қатор масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш имкони яратилганлиги эътироф этилди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда давлатнинг энг яқин ижтимоий ҳамкори ҳисобланган касаба уюшмаларининг ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида олиб бораётган ишлари таҳлил қилинди.

Мазкур йўналишлардаги ишларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжат жойлардаги ҳудудий ва тармоқ келишувлари ҳамда энг қуйи бўғинда амалда қўлланилаётган жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини давр талаби асосида бойитиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини ҳамда меҳнати муҳофазасини кучайтириш имконини берди. Қатор тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари иштирокида тузилган жамоа келишувларига меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган салмоқли тадбирлар киритилиб, амалий натижаларга эришилмоқда. Шунингдек, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликнинг самарали ижро механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасидаги қўшма тадбирлар режасига биноан меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Федерация Кенгаши томонидан Жамоа шартномаларидаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими» аввалгидек барча тармоқларга бир хил қолипда эмас, ҳар бир тармоқнинг ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб, тавсия этилди. Яъни, Республикамизда хўжалик бошқарув тизими ўзгариши, кўпчилик корхоналар бозор иқтисодиётига ўтиши билан уларда мулкчилик шаклининг ўзгариши ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларни молиялаштириш манбалари ўзгариши муносабати билан давлат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртлари ва коллежлар учун ўз йўналишлари, хусусиятлари, имкониятлари ва норматив ҳужжатлар базаларидан келиб чиқиб, жамоа шартномаларининг алоҳида-алоҳида макетлари ишлаб чиқилди ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотларига қўлланма сифатида тавсия этилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ташкил этишга алоқадор вазирлик ва идораларга берилган таклифлар натижасида жамоа шартномалари учун «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг кенгайтирилган намунаси» ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилиб, ҳар бир корхона ва ташкилотга етказилди. Таъкидлаш лозимки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ижтимоий ҳамкорлик самараси ўлароқ «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланиши орқали ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби белгиланишига эришилди.

Ходимлар меҳнати муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти билан биргаликда «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари» ишлаб чиқилди. Ушбу Тавсиялар ва жамоа шартномаси макетига киритилган тадбирларнинг жамоа шартномаларида акс эттирилиши ҳамда тўлиқ бажарилишига эришиш мақсадида Федерация Кенгашининг экспертиза комиссияси томонидан тармоқ, ҳудудий ва минтақавий келишувларга меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари киритилди. Тармоқ ва ҳудудий келишувларга қўшимчалар киритиш бўйича ўтказилган экспертизалар самараси ўлароқ корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар саломатлигини сақлаш ва уларни бахтсиз ҳодисалардан асрашга қаратилган талаблар кучайтирилди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилишини иш берувчилар ва уларнинг тегишли юқори бошқарув идораларидан талаб қилиш асослари яратилди. Бундан ташқари, Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида касаба уюшмалари вакилларининг иштироки таъминланмоқда.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига асосан 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» таълим йўналиши негизида магистратура мутахассисликларини тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги мамлакатимизда ходимлар меҳнати муҳофазасини янада кучайтиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш учун Тошкент Давлат техника университети қошида махсус курс ташкил этилишига эришилди. Бу ишлар иш берувчиларнинг мазкур йўналишдаги мутахассисларга бўлган талабини қондириш имкониятлари кўламини кенгайтирди.

Ходимлар меҳнати муҳофазасини кучайтиришда меҳнатни муҳофаза қилишга доир Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Ўзстандарт» агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси билан ҳамкорлик алоқалари кучайтирилиб, қўшма тадбирлар режаси асосида иш олиб борилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни энг яхши ташкил этган корхоналар ҳамда жамоат назоратини намунали йўлга қўйган иш берувчилар, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Республика кўрик-танловининг йўлга қўйилиши ҳам ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш имконини берди. Амалга оширилган ишлар ва тегишли масалаларни ижтимоий шериклар иштирокида муҳокама қилиш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини олиб бориш ишлари кучайтирилди.

2013 йилда касаба уюшма ташкилотлари томонидан 5800 дан ортиқ корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси бўйича йўлга қўйилган ишлар ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Жиззах вилоятларида фаолияти ўрганилган корхоналарга амалий ёрдам кўрсатилиб, қатор долзарб масалалар юзасидан иш берувчиларга касаба уюшмалари томонидан тақдимномалар киритилиши натижасида ушбу масалаларнинг жойида ижобий ҳал этилишига эришилди. Таъкидлаш зарурки, ўтган йили жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган 450 мингдан ортиқ чора-тадбирларнинг қарийб барчаси тўлиқ бажарилишига эришилиб, ушбу мақсадларга 125 млрд. сўм маблағ сарфланди. Касаба уюшмалари мутахассислари ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқларини ҳимоя этиш доирасида ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссияларида, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида фаол иштирок этиб, тегишли хулоса ва тавсиялар бермоқдалар.

### Сўз — иштирокчиларга

***Сергеус Гловацкас, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Бюроси бош мутахассиси:***

— Бугун барча давлатлар касаба уюшмалари Бутунжаҳон меҳнат муҳофазаси кунини кенг нишонламоқда. Шундай кунни энг йирик ҳамкорларимиздан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари билан ўтказаётганимдан жуда хурсандман.

Меҳнат муҳофазаси жаҳон миқёсида катта эътибор берилиши зарур бўлган жараёнлардан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Бу борада «яшил иш ўринлари»ни яратиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Экологик тоза, инсон ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳит учун ҳавфсиз — «яшил иш ўринлари»ни яратиш дастури иқтисодиётнинг барча жабҳаларида янги иш ўринларини яратишда илғор технологиялардан фойдаланиш орқали иқтисодиётнинг экологик барқарор тараққиётини таъминлашни назарда тутади.

Ўзбекистон томонидан мазкур йўналишда амалий ишларнинг бошлаб юборилгани жуда қувонарлидир. Ўзбекистонда яшил иш ўринларини яратиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу ўринда, иқтисодиётни «яшиллаштириш» сайёрамизни соғломлаштиришнинг муҳим йўналишларидан эканини қайд этиш ўринли. Яшил иш ўринлари нафақат атроф-муҳит, балки арзон, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш орқали иқтисодиётнинг тез ўсишини ҳам таъминлайди. Юртингизда бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича истиқболли дастурлар ҳаётга тадбиқ этиб борилаётгани эътиборлидир.

***Қаҳрамон Эргашев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:***

— Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳа ва тармоқларни изчил ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги қонунчилик базаси ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда.

Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Бу кафолатлар Меҳнат кодексида, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги ҳамда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунларда ўз ифодасини топган.

Ҳозирда мамлакатимизда мулкчилик шакллари кенгайиб, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида янги қонунлар қабул қилинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Касаба уюшмалари Федерацияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган қўшма чора-тадбирларга мувофиқ қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

***Бахтиёр Маҳмадалиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари:***

— Юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш режали равишда олиб борилмоқда. Бу борадаги барча ишлар Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури» асосида амалга оширилиб, қатор ютуқларга эришилаяпти.

Шуни инобатга олиб, Давлатимиз томонидан экологик хавф-хатарларни камайтириш ва табиий ресурсларнинг тақчиллигини қисқартиришни таъминлайдиган иқтисодий тизимга ўтиш, яъни мамлакат иқтисодиётини «яшил» йўлга, аниқроғи, «яшил иқтисодиётга» ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар биргаликда тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари орқали ҳар бир ходимга энг қулай ва жуда соз бўлган «яшил иш ўринлари»ни яратиш йўналишидаги ишларга эътиборни кучайтириш зарур.

Мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга оид норматив-ҳуқуқий негиз такомиллаштириб борилиши натижасида бугун самарали натижаларга эришилмоқда. 2014-2016 йиллар учун имзоланган Бош келишув, тармоқ келишувлари ва уларга киритилган тадбирларни амалга ошириш меҳнат муҳофазаси соҳасидаги тизимли ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

***Нодир Султон-Муҳаммедов, Савдо-саноат палатаси бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи:***

— Савдо-саноат палатаси тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан тузилган Бош келишувни ҳаётга тадбиқ этиб боришни ўзининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилаган.

Жумладан, иш берувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик шароитларини яхшилаб бориш, тадбиркорлар ўртасида ўз ходимларининг соғлиғи, ҳаёти, турмуш тарзи, яшаш шароитини яхшилашга жавобгарлик, масъуллик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ижтимоий концепцияларни ишлаб чиқиш, турли кўрик-танловлар ўтказиш орқали тадбиркорларнинг ҳомийлик фаолиятини рағбатлантириб бориш каби тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ижтимоий шериклик тамойилларининг ҳаётга татбиқ этилаётгани кўплаб масалаларни ижтимоий мулоқот воситасида тезкор ҳал этиш имконини бераётир. Умуман олганда, тадбиркорларимиз меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш, ходимларни қўллаб-қувватлаш иш унумдорлигининг гарови эканини яхши тушуниб етмоқдалар.

***Саид Гаффоров, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария-гигиена бўлими мудири:***

— Ўзбекистон Республикасида турли ишлаб чиқариш жабҳаларида ишловчи ишчи-ходимларнинг соғлигини сақлаш, жумладан, касб касалликларининг олдини олиш, яъни профилактикасида меҳнатни тўғри ташкил этиш муҳим ўринга эга.

Ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, автоматлаштириш, фаолият жараёнида ишчиларга таъсир кўрсатувчи турли омилларни камайтириш, жумладан, зарарли кимёвий моддалардан фойдаланишни чеклаш, чанг миқдорини ва физик омиллар даражасини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, корхоналарда меҳнат режимининг тўғри ташкил этилиши, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, маиший хоналар, овқатланиш ва дам олиш учун шароитлар яратиш чораларининг кўрилиши касб касалликларининг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг меҳнатни муҳофаза қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масалаларида қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлар меҳнат шароитларининг янада яхшиланиши, ишчи- ходимлар орасида эса ўз соғлиғига эътиборли бўлишни ўргатиш мақсадида санитария-тарғибот ишлари фаоллаштирилмоқда.

***Нозима Сулаймонова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи в.б:***

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меҳнат соҳасида ҳар бир инсон ҳаёти ва соғлиғининг ишончли ҳимоясини таъминлайди. Бу Меҳнат кодекси, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Мавжуд ҳужжатлар мунтазам равишда ХМТ Конвенциялари талабларига мослаштириб борилаётир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги соҳа юзасидан мавжуд 27 та вазирлик ва бошқармалар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Натижада, шу кунгача турли тармоқ ва касбларни қамраб олган меҳнат муҳофазасига таллуқли 183 та қоида ва меъёрлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинди. Жорий йилда эса яна 79 та қоида мажмуи қабул қилиниши режалаштирилган.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича инспекторлар томонидан мунтазам текширувлар ўтказиб борилмоқда. Инспекторлар билимини ошириш мақсадида 551 та семинар ўтказилиб, унда 13348 нафар фуқаро иштирок этди. 151 та кўргазма ташкил қилиниб, аҳоли соҳада юз бераётган янгиликлар, замонавий технологиялар билан таништирилди. 537 марта «очиқ эшиклар куни» ўтказилиб, меҳнаткашлардан тушган таклифлар кўриб чиқилди.

***Мирағзам Азимов, «Ўзстандарт» агентлиги «Ахборот маълумот маркази» давлат корхонаси етакчи мутахассиси:***

— Республикамизда меҳнатни илмий ташкил қилиш, саноат санитарияси ва гигиенаси, меҳнат хавфсизлиги мақсади, стандартлаштириш обьекти, (ССБТ) стандартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, структураси ва белгиланиши бўйича асосий қоидаларни ўз ичига олган стандартлар амалга киритилган.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимида ишчи, хизматчи ёки ходимнинг иш жойларига бўлган талабларни ўз ичига олган ССБТ стандартларининг қатор йўналишлари мавжуд. Меҳнат хавфсизлигини таъминлашга доир стандартларни корхона, ташкилот ва бошқа тадбиркорлик субъектларида жорий қилиб, улар талабларига риоя қилиш ишчи, хизматчи ёки ходимнинг иш жойидаги меҳнат фаолиятида унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш демакдир. Меҳнат хавфсизлигини таъминлашга доир стандартларнинг амал қилиниши ташкилот раҳбари ёки алоҳида тайинланган жавобгар шахслар томонидан ўрнатилган тартибда назорат қилиб борилади.

Давра суҳбатида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Жамила Ниязова, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси давлат назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нодира Каримова, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Баҳодир Раҳмонов, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Давронов ҳам ходимлар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга ўзлари фаолият юритаётган ташкилотлар мисолида тўхталиб ўтишди.

***

Давра суҳбатида иштирок этган ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари мазкур соҳадаги ҳамкорлик салмоғини янада кенгайтириш борасида ўз-фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Иштирокчиларнинг саволларига мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари батафсил жавоб берди. Шунингдек, ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга оид дастур қабул қилинишига келишиб олинди.

Тадбир сўнгида меҳнат муҳофазасининг самарали таъминланишида муҳим омил бўлган махсус кийимбош ва индивидуал ҳимоя воситалари кўргазмаси ташкил этилди.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган давра суҳбатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари,**
**Акмал ТОШЕВ,**
**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбирлари.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

***Самарқанд шаҳридаги «Креатив прогресс» хусусий корхонасида махсус иш кийимлари ва маиший тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.***

Дастлаб тўрт нафар ишчи билан фаолият бошлаган корхонада бугунги кунда қирқ нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Жорий йил бошида «Асакабанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилояти филиалидан олинган кредит корхонага қўшимча замонавий тикув машиналари келтириш имконини берди. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилиб, асосан касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар билан меҳнат шартномаси тузилди.

**Суратларда:** *ишчилар — Азиза Амирқулова ва Шаҳноза Саматова.*

**ЎзА фотомухбири Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар**

## Матбуот анжумани

# Китоб, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк

***Миллий матбуот марказида Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи ҳамда Халқаро интеллектуал мулк кунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Интеллектуал мулк агентлигининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш, контрафакт маҳсулотлар айланмасига қарши курашиш ва соҳанинг бошқа фаолият йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.***

— 1995 йил Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси 23 апрелни Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни деб эълон қилди, — деди Интеллектуал мулк агентлиги бош директор ўринбосари Мақсуд Бобожонов. — Юртимизда муаллифлик ҳуқуқининг асосларини Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ташкил қилади.

Маърузачи Халқаро интеллектуал мулк куни ҳақида ҳам гапириб, жумладан, шундай деди:

— Ушбу сана 14 йилдан буён нишонланади. Шу куни Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти бошчилигида инновациялар ва ижодиётни рағбатлантиришда интеллектуал мулкнинг роли тўғрисидаги масала бўйича кенг муҳокамалар ўтказилади. Жорий йил ушбу тантанали тадбир «Кинематографнинг жаҳоншумул аҳамияти» мавзуида ташкил этилди.

Шунингдек, тадбирда агентлик ҳар йили интеллектуал мулк соҳасидаги билимлар ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган турли семинар, давра суҳбати ва бошқа тадбирларни ҳам ўтказиб келаётгани таъкидланди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ**

## Конференция

***Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.***

# Маънавият оиладан бошланади

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида Тошкент шаҳри маҳаллаларида фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва бошқа масъулларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Маънавият оиладан бошланади» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда илмий-амалий конференциянинг бош мақсади оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантиришдан иборат эканлиги таъкидланди.

Анжуманда «Оила» илмий-амалий маркази, Миллий ғоя ва мафкура маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот бўлими, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» Хайрия жамоат фонди, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул вакиллари иштирок этди.

**Шоҳсанам МИРЗАОЛИМОВА**

## Сизнинг адвокатингиз

# Даъво қаноатлантирилди

***Жорий йил феврал ойида Мирзаобод туманидаги «Мирзаобод» ҚВПда физиотерапия ҳамшираси вазифасида ишлаган Д.Суюнова Сирдарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига мурожаат этди. Мурожаатда айтилишича, у иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатилган.***

Ариза бирлашма ходимлари томонидан ўрганилиб, шикоятчининг ҳақлиги исботланди. Жумладан, меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 4-банди, яъни ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги сабабли бекор қилинган. Бироқ Кодекснинг айнан шу бандида меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатлари рўйхати келтирилган. Рўйхатга кўра ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат шартномаси шартларини бузиш меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишга киритилиши мумкинлиги қайд этилган. Бу жараён айрим тоифадаги ходимларга нисбатан алоҳида интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Меҳнат вазифаларини бузишнинг қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади. Лекин ҚВПда ходимлар ички меҳнат тартиби қоидалари билан таништирилганлиги, интизомни бузиш ҳолати қўпол тусга эга эканлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмаган. Бундан ташқари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида касаба уюшмаси розилиги олинмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олиб касаба уюшмалари иш берувчига ходимни ишга қайта тиклаш ҳамда бекор юрган пайти учун иш ҳақини тўлаб бериш тўғрисида тақдимнома киритди. Натижада, ҚВП маъмуриятининг буйруғига асосан Д.Суюнованинг барча меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Яна бир мисол, ўтган йилда Гулистон туманида истиқомат қилувчи фуқаро, II гуруҳ ногирони Йўлдош Турматов 1988 йилдан буён касб касаллигига чалинганлиги туфайли ойма-ой тўлаб келинаётган зарар тўловларининг камайганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этди. Ариза вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мутахассислари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси У. Таниқулов томонидан ўрганиб чиқилди. Тўпланган ҳужжатлар асосида масалага ойдинлик киритиш ва фуқаронинг қонуний манфаатини ҳимоялаш мақсадида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига асосан Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга даъво аризаси киритилди. ФИБ Сирдарё туманлараро суди томонидан кўрилган иш якунига кўра Й.Турматовга туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимидан тўланмай қолинган 1 700 000 сўм ундириб берилди.

Таъкидлаш керакки, 2014 йил 1 чорагида бирлашма бўлимларига фуқаролардан жами 104 та ариза-шикоят тушган бўлиб, шулардан 9 таси ёзма, 55 таси оғзаки мурожаат ҳисобланади. 40 таси «Ишонч телефонлари» орқали қабул қилинган. Барчасига Меҳнат кодекси, касаба уюшмалари, фуқароларнинг пенсия таъминоти ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонунлар доирасида маслаҳат берилди.

Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2014 йил 1-чораги давомида 2 та семинар ўтказилиб, меҳнат қонунчилиги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун моҳияти ва аҳамияти ҳақида меҳнаткашларга тушунтириш берилди.

**Ширинхон УМАРАЛИЕВА, Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири**

## Тадбир

***Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон фермерлар кенгаши Чуст туман филиали, вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси хизматидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Олмос шаҳарчасида шеърият кечаси ўтказилди.***

# ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Қўчқор Норқобил, таниқли шоира Хосият Рустамова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими фаоллари, туман ҳокимияти вакиллари ва кўплаб ёшлар иштирок этди.

Тадбирда самимий ва халқчил шеърлари билан мухлислар юрагидан чуқур жой олган Муҳаммад Юсуф шеърияти, шоир ижодининг XX аср ўзбек шеъриятидаги ўрни ҳақида қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди.

Шоирнинг ватанпарварлик ва инсонийлик ғоялари руҳидаги шеърларини ўқиш билан бошланган байрам ўзига хос мушоирага айланиб кетди. Айниқса, шеърият йўлига эндигина қадам қўяётган ёш ўқувчилар ва талабаларнинг машқлари тадбир иштирокчиларида ўзгача таассурот қодирди.

**Дилшод РУСТАМОВ, Агросаноат мажмуа ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман кенгаши раиси**

## Сўраган экансиз

***Савол: Ходимга қанча муддатга ўз ҳисобидан таътил берилади?***

**С.АЛИМОВ, Ромитан тумани**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 150-моддасига кўра, ходимнинг аризаси асосида унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

-1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

-ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

-икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-моддага асосан);

-ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга - ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар (232-моддага асосан);

-меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

***Савол: Халқ таълими ходимлари – ўқитувчилар, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларига баъзан байрам кунлари, қиш мавсумида ва бошқа пайтларда айрим сабабларга кўра иш жойида кундузи ҳамда тунда навбатчилик қилишга тўғри келади. Бу ҳолатда ходимларга қўшимча тўловлар тўланадими?***

**М.ТЎЛАГАНОВ, Шофиркон тумани**

**Жавоб:** Меҳнат Кодекси 123-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ кундалик иш вақти(смена)нинг муддати 12 соатдан ортиб кетмаслиги керак.

Меҳнат Кодексида юқоридаги каби «навбатчилик» тушунчаси мавжуд эмас. Бироқ, у одатда, ўрта тиббий ходимлар ва мутахассис шифокорларнинг навбатчилиги иш берувчи томонидан тасдиқланган иш жадвалларига мувофиқ куну тун ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган соғлиқни сақлашнинг турғун муассасаларида, иш берувчининг буйруғи билан байрамлар арафасида ходимларга график асосида қўлланади.

Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу ходимлар кўпи билан 12 соат ишлаганидан кейин алмашишлари шарт. Бунда навбатчилик иш вақтининг ойлик меъёри доирасида амалга оширилиши зарур.

Таълим муассасасида навбатчилик тўғрисида буйруқ қабул қилинар экан, бу, албатта, мактаб касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилиши керак. Бунда қонунан иш вақтидан ташқари ва тунги ишларга жалб қилиш мумкин бўлмаган ходимлар тоифаларини ажратиб олиш зарур. Жамоанинг қолган қисмига раҳбарият ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси тасдиқлаган график асосида навбатчилик белгиланиши мумкин. Меҳнат қонунчилигида ходимни иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари ишга жалб қилишда унинг розилигини олиш, навбатчиликка турган ходимлар учун бир иш куни миқдорида таътил берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Саволларга Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи юристконсулти Ҳ.ЧОРИЕВ жавоб берди.**

***Савол: Оилавий шароитим туфайли меҳнат таътилига чиқмоқчи эдим. Кадрлар бўлимида мен билан меҳнат шартномаси тузилганига ҳали 6 ой бўлмагани боис, таътил берилмаслигини айтишди. Бироқ аввалги иш жойимда 8 ой таътилсиз ишлаганман. Бу инобатга олинмайдими?***

**И.МАҲМУДОВ**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 143-моддаси биринчи қисмида йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлагандан кейин берилиши таъкидланган. Ушбу талабга асосан ходим иш бошлаганидан кейин 6 ой ўтмасдан йиллик таътилга чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида, иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан ҳисобланиши таъкидланган. Демак, иш йилининг ҳисобланиши охирги иш жойида ишга киришган кундан бошланади. Аввалги иш жойида ишлаб, таътилдан фойдаланмаган даврлар ҳисобга олинмайди.

***Савол: Бола парвариши таътилига чиққан ходим ишга қайтмоқчи. Унинг ўрнига вақтинча ишга олинган ходимни бўшатиш керак. Бироқ у ҳомиладор. Амалдаги қонунчиликка кўра ҳомиладор аёлларни ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди. Бу масалани қандай ҳал қилиш мумкин?***

**К. ЙЎЛДОШЕВА**

**Жавоб:** Ҳақиқатан ҳам меҳнат қонунчилигида ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси) билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Корхонанинг бутунлай тугатилиши ҳолатлари бундан мустасно.

Сиз келтирган ҳолатда ходимнинг меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси) билан эмас, балки шартнома муддати тугаши (Меҳнат Кодексининг 105-моддаси) муносабати билан бекор қилиниши лозим бўлади. Қонунчиликда ушбу асос билан меҳнат шартномаси бекор қилинишида ҳеч қандай истисно назарда тутилмаган. Демак, шартнома муддати тугаши муносабати билан меҳнат шартномасини барча ҳолатларда (ҳомиладорлик даврда ҳам) бекор қилинишига йўл қўйилади. Бу ҳақдаги буйруқ бола парваришида бўлган ходим ишга қайтган кундан бошлаб бир ҳафта ичида чиқарилиши керак.

**Саволларга Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши юристконсулти А.ГАЙНАЗАРОВ жавоб берди.**

## Бадиий ҳаваскорлик

***Пойтахтимизнинг 11-мусиқа ва санъат мактабида Шайхонтоҳур туманидаги мусиқа ва санъат мактаблари, «Баркамол авлод» болалар марказларида фаолият юритаётган бадиий жамоалар ва якка иштирокчилар ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.***

# Истиқлол ғунчалари

— Ижро этилаётган миллий куй-қўшиқлар, қизалоқларнинг ажойиб рақслари, доира, дутор, танбур каби миллий чолғу асбобларни маҳорат билан чалаётган истеъдод эгаларини кўриб дилингиз яйрайди. Мақсадимиз, уларни қўллаб-қувватлаш, маҳоратлари юзага чиқиши учун кенг имконият яратиб беришдан иборат, — дейди Шайхонтоҳур туман касаба уюшма кенгаши раиси Д.Ўлмасова.

Танлов давомида 23-сон БМСМ ўзбек халқ чолғулари ансамблининг «Кўнгил гулдастаси», 11-сон БМСМ хореография ансамблининг «Наврўз» рақси, 3-сон БМСМ 4-синф ўқувчиси Улуғбек Шокировнинг «Ўзбекистон» қўшиғи иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бу каби кўрик-танловлар санъатсевар ўғил-қизларнинг истеъдодини чархлайди, — дейди 23-сон БМСМ тўгарак раҳбари Нодира Атаева.

Танлов якунида иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Аброр ҚАРШИЕВ**

Реклама ва эълонлар

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бошқарувининг 2014 йил 30 январдаги 24-сонли қарори ва «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Олмалиқ филиалининг 2014 йил 14 февралдаги 22-ur-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар саноат ҳудудида жойлашган умумий майдони 1356,30 кв.м., қурилиш ости майдони 627,25 кв.м. бўлган банк биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 500 750 000 сўм.**

**Савдо 2014 йил 30 май куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 28 май куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2014 йил 30 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 6 ва 13 июн кунлари соат 11:00 да ўтказилади.Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 6 июндаги такрорий савдолар учун 4 июн куни соат 18:00; 13 июндаги савдолар учун 11 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Тел: 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

**Тошкент шаҳар Хўжалик судининг қарорига асосан тугатилаётган корхоналарнинг думалоқ муҳри ва штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари икки ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимияти 32-34-хона, Фарғона йўли кўчаси, 21-уй манзилида қабул қилинади.**

| № | Корхона номи | Мақоми | Хўжалик судининг қарори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | рақами | санаси |
| 1 | TOGRINA | ХК | 10-1412/4618 | 16.04.2014 |
| 2 | REKSELA SERVIS | ХК | 10-1412/4619 | 16.04.2014 |
| 3 | KOMPUTER-DIZAYN-SERVIS | МЧЖ | 10-1412/4620 | 16.04.2014 |
| 4 | SHAMS BROK | МЧЖ | 10-1412/4621 | 16.04.2014 |
| 5 | FARSH BURGER | ХК | 10-1412/4622 | 16.04.2014 |
| 6 | ELITA-SHARQ | МЧЖ | 10-1412/4623 | 16.04.2014 |
| 7 | AMIKA GROUP | МЧЖ | 10-1412/4586 | 16.04.2014 |
| 8 | ZAYTUNA BONU | МЧЖ | 10-1412/4624 | 16.04.2014 |
| 9 | CHASHMA FARM | МЧЖ | 10-1412/4625 | 16.04.2014 |
| 10 | SHOXRUH UNIVERSAL QURILISH | МЧЖ | 10-1412/4626 | 16.04.2014 |
| 11 | KRAN MONTAJ | МЧЖ | 10-1412/4585 | 16.04.2014 |
| 12 | NAT VOSITA | МЧЖ | 10-1412/4627 | 16.04.2014 |
| 13 | SIFAT-ANTIKORROZIN SERVIS | МЧЖ | 10-1412/4608 | 16.04.2014 |
| 14 | DIOR INTER BUSINESS | ХК | 10-1412/4594 | 16.04.2014 |
| 15 | NOZIMAXON OMADLI SAVDO | ХК | 10-1412/4609 | 16.04.2014 |
| 16 | OBOD-FAROG'AT | МЧЖ | 10-1412/4610 | 16.04.2014 |
| 17 | ASAKA TEKSTIL SAVDO UYI | МЧЖ | 10-1412/4611 | 16.04.2014 |
| 18 | LIFE ENGINE | МЧЖ | 10-1412/4612 | 16.04.2014 |
| 19 | XURSHIDA DAVR TEKS | МЧЖ | 10-1412/4613 | 16.04.2014 |
| 20 | BEST-LUXE CLEANING | МЧЖ | 10-1412/4614 | 16.04.2014 |
| 21 | TRIO ASIA TEXTILE | МЧЖ | 10-1412/4615 | 16.04.2014 |
| 22 | ALLANAZAR FARM INVEST | МЧЖ | 10-1412/4616 | 16.04.2014 |
| 23 | KAMRONBEK PLUS | ХК | 10-1412/4617 | 16.04.2014 |
| 24 | MEDEKOPROM | МЧЖ | 10-1412/4595 | 16.04.2014 |
| 25 | UYUT MARKET | МЧЖ | 10-1412/4596 | 16.04.2014 |
| 26 | UNITEC ENGINEERING | МЧЖ | 10-1412/4597 | 16.04.2014 |
| 27 | REAL FOOD BUSINESS | МЧЖ | 10-1412/4598 | 16.04.2014 |
| 28 | SHARQ QANDOLAT SHIRINLIKLARI | МЧЖ | 10-1412/4599 | 16.04.2014 |
| 29 | AKROMXO'JAZODA | МЧЖ | 10-1412/4600 | 16.04.2014 |
| 30 | YASNIY SOKOL | МЧЖ | 10-1412/4601 | 16.04.2014 |
| 31 | MISS SHAXINA | ОК | 10-1412/4602 | 16.04.2014 |
| 32 | WORLD DISHES | МЧЖ | 10-1412/4603 | 16.04.2014 |
| 33 | JAXON FOZIL INVEST | МЧЖ | 10-1412/4604 | 16.04.2014 |
| 34 | LOKOMOTIV REMSERVIS | МЧЖ | 10-1412/4605 | 16.04.2014 |
| 35 | FASAD ANTURAJ | МЧЖ | 10-1412/4606 | 16.04.2014 |
| 36 | LARGUS INVEST | МЧЖ | 10-1412/4607 | 16.04.2014 |
| 37 | LIFE WORLD | МЧЖ | 10-1412/4587 | 16.04.2014 |
| 38 | AZIZ DILMUROD ALLIANCE | МЧЖ | 10-1412/4593 | 16.04.2014 |
| 39 | AVLODLAR UCHUN | МЧЖ | 10-1412/4588 | 16.04.2014 |
| 40 | BIG WHEEL | МЧЖ | 10-1412/4589 | 16.04.2014 |
| 41 | KENTAVR-SERVIS | МЧЖ | 10-1412/4590 | 16.04.2014 |
| 42 | RAVSHAN BARAKA PLYUS | ХК | 10-1412/4591 | 16.04.2014 |
| 43 | ANI | МЧЖ | 10-1412/4592 | 16.04.2014 |

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 29-aprel № 53 (3402)

## Юз билан юзлашганлар

*Инсон қадри улуғланган юртда яшаётирмиз. Кексалар эътибор ва эъзоз оғушида. Энг муҳими, фаровон, осуда ҳаёт ҳукмрон. Фарзанду набираларимиз тўкис турмуш кечиришаётир.*

# Қадр – буюк неъмат

Ёшинг улғайгани сайин ҳаёт ва унинг неъматлари қадрини чуқурроқ англаркансан. 104 йиллик умрим мобайнида бу бошдан нелар ўтмади дейсиз. Тафсилотларни бирма-бир ёдга олсам, ўн чоғли китоб бўлар-ов. Айниқса, таҳликали йиллар сира ёдимдан чиқмайди. Айни бўй етган чоғимда битта зоғора нон учун 12-15 соатлаб ишлардик. Қорин тўйишининг ўзи катта бахтдек туюларди. Ана шундай доғули турмушда юрак ҳовучлаб яшарди одамлар. Зиёли, халқнинг машаққатли турмушини тилга олганларни мафкуравий душман сифатида қамоққа олишарди. Қатағон даврида ҳўлу қуруқ баравар ёнди, десам ҳеч муболаға эмас. Айниқса, уруш халқимизнинг қалбида ўчмас доғ қолдирди. Не-не алп ўғлонлар хоки ёт тупроқларда қолиб кетди.

Турмуш ўртоғим билан 6 ўғил, 2 қизни тарбиялаб вояга етказдик. Набира, чевара, эвараларим 400 нафардан ошади. Барчасининг умри узун, юртимиз тинчлиги боқий бўлсин.

Туманимизда мендек юз ёшдан ошган ўн олти нафар табаррук аёл бор. Улар фарзандлари бағрида, давлатимиз ғамхўрлигида фаровон турмуш кечиришаётир. Ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Бу неъматларнинг қадрига ҳар бир юртдошимиз етиши зарур.

Инсон азиз, унинг хотираси муқаддас. Шу қутлуғ кунларда йўқотганларимизни ёдга олиб, яқинларни эслаб юриш беҳад савобдир.

**Ҳадича ШОНОНОВА,**
**Пайариқ туманидаги**
**«Эрназарқўрғон» маҳалласида**
**яшовчи онахон**

## «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» Республика танловига

*БОЛАЖОН, ташрифинг муборак бўлсин. Тилайман, тилагим бўлиб ижобат, бахтинг бутун бўлсин, иқболинг тўкис. Шу азиз Ватанда яшаб соғ-омон, юрган йўлларингда чечаклар унсин. Билсанг, замин, сабо, қуёшни, ойни, ложувард кўк — фалак юлдузларини, зим-зиё кечалар кундузларини соғинганидек, кўз тутдим сенга. Қошу кўзларинг қорадан-қора, оппоқ юзларинг нурли бунчалар. Қай буюк зотларнинг зурёдидирсан, бўлурми тугал шунчалар?!*

# Қувончимсан, болажон!

(ПУБЛИЦИСТИКА)

Келар чоғларингни эшитиб бу кун, йўлингга қалбимни тўшадим гулдай, меҳру садоқатдан кошона қурдим. Товланар, товланар бир ҳовуч нурдай. Шу диёрда асрлар оша, орзуларга чулғаниб яша, жоним болажон! Яша, сира қолмасин армон, ўзим бўлай куч, дармон. Қучсин, қучсин, майли, баҳор, ёз, сенга бўлсин меҳрим поёндоз.

Сабабки, сен элим кўзу қароғи, йўлларинг ёритар нурли чироғи. Инсон туғилибдики, бахтни Ватандан, киндик қони томган заминдан айрича тасаввур этолмайди. Ватандан айри зотлар ишқ болин тотолмайди. Боиси улким, сену мен — ҳар биримиз унга жон томиримиз билан боғланганмиз. Шукурким, Мустақиллик, Истиқлол ана шу боғлиқлик нуқтасини янада мустаҳкамлади. Жисмимиз, руҳимиз поклади. Эркимиз, ғуруримиз тикланди. Тақдирга тасаннолар айтгинки, сен эй, менинг соғлом наслим, латофатда тенгсиз, шу мўътабар заминда дунёга келдинг. Бу сенинг бахтингдир, шарафинг, шонинг. Мубораклар бўлсин сенга, азизим, Парвардигор берган буюк имконинг.

Билсанг агар, олам тонги, одам тонги айнан шу нуқтадан бошланади. Қуёш суюб-ардоқлаб шу заминни нурга қоради. Бундан жисм надир, руҳ, жон куч олар, орзу ерга сиғмай кўкка учадир. Бу гапларга шубҳанг бўлса мабодо, кўксинг кенгликларига боқ, томирларингда оқаётган қоннинг шовқинин тингла. Хаёлларга эрк бер: буюкларнинг қошига боргин. Бухоро, Самарқанд тупроқларин ўп. Юксаклардан тикил осмонга, юлдузлар шивирига қулоқ сол, еллар қанотида учгин, азизим, ҳар гиёҳга роз айт, қучгин, азизим. Ич-ичингдан туғён келгуси шаксиз, қалбинг аслиятинг билгуси шаксиз.

«Дунёдаги энг буюк жасорат — бу маънавий жасоратдир». Юртбошимиз томонидан айтилган бу гапда миллат руҳи, миллат қалби яшайди. Биламан, сен миллий табиатимизга ёт ғояларга берилмай, вояга етасан. Чунки жисмингда бундай совуқ ғояларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланган. Йиллар ўтган сари онгу шуурингда бадиий ва мантиқий тафаккур бўй кўрсатиб боради. Негаки, болалигидан китоб билан дўст тутинган ёш наслдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, чиқмагай асло!

Билим — маънавий соғломликка элтувчи энг асосий восита. Соғломлик деганда нафақат жисм, энг аввало, руҳ, имон, эътиқод соғломлиги назарда тутилади. Биз бу кучни Шарқнинг буюк алломалари, авлиё-ю анбиёларидан — мўътабар боболаримизнинг илм хазинасидан оламиз. Истиқлол шарофати билан бой маънавий-маданий меросимиз бежизга чуқур ўрганилаётгани йўқ. Ўтган вақт мобайнида буюк соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий сингари буюк боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ат-Термизий, Имом Мотурудий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларимиз, азиз авлиёларимиз хоки пойи обод, руҳлари шод қилинди.

Билиб қўйки, азизим, соғломлик замирида улуғ ҳикмат яширинган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ёш, навқирон авлодимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли кўришни истаймиз. Бунинг учун эса юртга тинчлик, осойишталик керак. Аммо тан олиш лозимки, дунё гўё чинни косадаги сувдек қалқиб турибди. Халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгараётгани, миллатлараро зиддиятларнинг кучайиб бораётгани, кескинликнинг ортаётгани, ер юзининг турли нуқталарида янги-янги низо ўчоқлари пайдо бўлаётгани жаҳон жамоатчилигини ташвишга ва хавотирга солаётир. Иқтисодий инқирознинг кўлами кенгайиб бораётганини айтмайсанми? Мана шундай шароитда мамлакатимиз ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўришнинг давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги, осойишталиги, миллатлараро тотувликнинг барқарорлиги, ишсизлик даражасининг нисбатан пастлиги бўйича жаҳон ҳамжамиятида кўплар ҳавас қиладиган ўринлардан бирини эгаллаб турганидан қувонмай бўладими?

Юртимизда уч босқичли таълимнинг ноёб механизми яратилди. Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртларида таълим сифати кескин яхшиланди. Ёшларимиз ўзининг она тилини мукаммал билишдан ташқари, чет тилларини ҳам қунт билан ўрганмоқдалар.

Уч босқичли спорт мусобақалари барча ёшларни тўла қамраб олганлиги, жаҳон миқёсидаги йирик беллашувларда юртимиз байроғини сарбаланд қилаётганлиги чиндан-да авлодимизни соғлом кўриш борасидаги орзуларимизнинг ижобати эмасми?!

Мамлакат бюджетининг асосий қисми халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва болалар спортини ривожлантиришга сарфланаётганлигидан ҳам билса бўладики, ҳаётимиз мазмунига айланган ислоҳотларнинг бош ижрочиси — ҳазрати инсон, унинг шаъни, ғурури, ор-номуси олий қадрият даражасига кўтарилди. Ўзинг сингари ёш авлоднинг саломатлигини кўз қорачиғидек асрашга бош масала сифатида қаралаяпти. Биргина Жиззах воҳаси мисолида айтадиган бўлсак, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Оналар ва болалар саломатлиги маркази, скрининг маркази, акушерлик-гинекология хизмати маркази, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари элимиз хизматида. Олинган маълумотларга қараганда, вилоятимиз бўйича ҳар ойда 2000 нафар чақалоқ дунёга келаётир. Агар 2012 йилда 23 884 та туғруқ қайд этилган бўлса, ўтган йил якуни билан қарийб 24 000 нафар чақалоқ ота-онаси ва жамиятимиз қувончи бўлиб, дунёга келди. Айни чоғда 1950 нафар врач, 10500 нафар ўрта-махсус тиббиёт ходими бевосита оналар ва болалар саломатлигини сақлаш иши билан машғул.

Шу кунларда воҳамизда 2740 та болалар спорт иншоотлари ишлаб турибди. 101 288 нафар ўғил-қиз спорт тўгаракларига жалб қилинган. Улар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланишаяпти. 2014 йилда Жиззах шаҳри, Зарбдор ва Зомин туманларида бир қатор спорт иншоотлари янгидан бунёд этилади, мавжудлари эса қайтадан таъмирланиб, замонавий шаклга келтирилади. Минглаб ўғил-қизлар вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, умумтаълим даргоҳлари қошидаги бадиий тўгаракларда маҳорат сирларидан воқиф бўлмоқдалар.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури негизида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайтирилади. Турли наслий касалликларнинг олдини олиш, яқин қариндошлар ўртасида ёки барвақт никоҳ қайд этилишига йўл қўймаслик, йигитлар ва қизларни никоҳдан кейинги ҳаётга тайёрлаш сингари миллат эртаси билан боғлиқ хайрли ишлар янги сифат даражасига кўтарилади.

Мана кўрдингми, менинг соғинчим, менинг қувончим, дунёларга бергусиз севинчим бўлиб дунёга келган «Соғлом бола»жон, сенинг эртанги кунинг, порлоқ ҳаётинг учун нималар қилинмоқда бу мўътабар, бу муқаддас, малоҳатда тенгсиз Ўзбекистон деб аталган Ватанда! Нурли ва ёрқин ҳаёт — янги кун бошланмоқда сен учун, мен учун. Муборак бўлсин, ушбу хайрли айёминг! Биламан, шу қутлуғ дамларда иккимизнинг ҳам юрагимиз ҳаяжонга тўлиб, Ватан ва эл меҳри билан жўш урмоқда.

***Номин айтсам дилда***
***дарё мавжланади,***
***Онам бўлиб мудом бошим***
***силар Ватан.***
***У мангуга яшайверар менсиз***
***ва лек,***
***Мен унингсиз яшолмайман,***
***билар Ватан!***

**Жўра МУҲАММАД,**
**Ўзбекистон Журналистлари**
**ижодий уюшмаси аъзоси,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби**

Ходимлар гимнастикаси

*Жисмонан баркамоллик нафақат инсоннинг ўзига, балки у яшаб турган жамият, оиласи учун ҳам керак. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикасини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни фуқароларимиз ўзини, ўз аъзолари ҳолатини чуқурроқ англашга бўлган даъват сифатида қабул қилдилар. Ҳозирданоқ Самарқанд вилоятидаги 347 та ташкилот ва корхоналарда ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилди.*

## ЧИНИҚҚАНГА ЧАНГ ЮҚМАС

Ташаббускор, ҳар бир фойдали янгиликни илиб оладиган меҳнат жамоалари оз эмас. Самарқанд вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ана шулардан бири. Ходимлар тақдирига масъуллик боис, қатор йиллардирки, мураккаб касб соҳиблари ўртасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар чекинди.

— Тизимда тўрт мингдан ортиқ киши меҳнат қилади, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Раҳмат Зулпонов. — Барча шаҳар, туман ҳудудий корхоналаримизда ходимларнинг бўш пайтларида жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун шароит яратилган. ЎзКУФК раёсатининг «Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори аҳамияти бўйича зарур тушунчалар бердик. Жойларда гимнастика машғулотларини ташкил этишга ва назоратини олиб боришга масъуллар белгиланди.

Пайариқ туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Абдужабборхон Нарзуллаевнинг айтишича, туман мактабларида дарс бошланишидан олдин ўқувчилар муайян муддат гимнастика машғулотлари билан шуғулланишади. Бунинг самараси ўлароқ «касаллик варақаси» тақдим этаётганлар сони кескин камайди.

— Бир пайтлари бир кунлик ўзида ўнлаб ўқитувчиларнинг «касаллик варақа»ларини расмийлаштириб беришимизга тўғри келарди, — дейди у. — Эндиликда бир ойда битта ё иккита ҳужжат қайд этилади холос. Чиниқиш ходимларнинг меҳнат самарадорлиги ошишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

— Касаба уюшмаларининг бу ташаббуси замирида жуда катта маъно бор. Маълум муддатлик жисмоний танаффус ходимнинг ишчанлик қобилиятини оширади, — дейди шифокор Иноят Аракаев. — Соҳа вакиллари катта жисмоний куч талаб этиладиган юмушларни бажаришади, айримлар кун бўйи компютер маниторидан нигоҳини узмайди. Ходимларнинг гимнастика машғулотларига жалб этилиши эса юз бериши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ёшлар камолоти йўлида

Андижон шаҳридаги 42-мактабгача таълим муассасасида 200 нафар ўғил-қиз замонавий шароитларда таълим-тарбия олмоқда.

Муассасада ташкил этилган хорижий тиллар, мусиқа, спорт ва тасвирий санъат тўгараклари кичкинтойларнинг дастлабки билим ва кўникмасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

**Суратда:** *Андижон шаҳридаги 42-мактабгача таълим муассасасида.*

**Зухриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА)**
**олган сурат**

## Қадрият

*Чанқовуз қадимий чолғу асбоби бўлиб, момоларимиз уни чалганда қалбимиз ажиб туйғулардан жунбушга келади. Ёқимли куйлар ижро этиладиган бу асбоб қандай ясалади?*

# ЧАНҚОВУЗ НАВОЛАРИ

— Уни ҳамма ҳам ясай олмайди, — дейди яккабоғлик ҳунарманд Баҳодир Шерназаров. — Бунинг учун катта тажриба ҳамда маҳорат керак бўлади.

Ғузорлик Шарифжон Раупов чанқовузни меъёрига етказиб ясайдиган ҳунармандлардан. У ясаган чанқовуз ва бошқа халқ чолғу асбоблари вилоятда ўтказилган «Ташаббус — 2014» кўрик-танловида юқори баҳо олганлиги ҳам бежиз эмас.

— Бу асбобда куйлар ижро этиш бизда урфга кирган, — дейди ҳаваскор чолғучи Қувватбой Қаршибоев. — Ўйлайманки, қадимий асбобни ясашни ёшлар ҳам ўрганиши керак.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

## Яраштириш комиссияларида

*Сув бир лойқаланмасдан тинмас экан. Шоазиз аканинг ўғли билан келини орасидан оламушук ўтиб, ҳар куни уйда жанжал бўлиб турарди. Уларни муросага келтиролмаган хонадон соҳиби маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Назира опа Иноятова фикрини олишга мажбур бўлди. Опа икки ёш билан суҳбатлашди. Ёш келин-куёв унинг ёнидан бутунлай ўзгариб чиқишди. Шу-шу бир-бирларига ширин муомалада...*

# Қўша қариш – бахт

Айни вақтда Тошкент шаҳридаги 475 та маҳалла фуқаролар йиғини қошида «Яраштириш комиссиялари» фаолият кўрсатиб келяпти.

— Яраштириш комиссиясининг асосий вазифаларидан бири йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлашга кўмаклашиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини ташкил этиш, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини ёшларнинг онгига сингдиришга қаратилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви Бош мутахассиси Омила Арипова. — Яраштириш комиссияси тузилмаси фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги қарори билан тартибга солинади.

Шу ўринда бир чекиниш қилсак. «Авесто»да ҳам никоҳ ҳамда оила муносабатлари муқаддас ҳисобланган. Унга кўра фарзандининг турмуш қуришини таъминлаш ота-она зиммасидаги вазифа бўлган. Турмуш қураётган томонлар ўртасида никоҳ шартномаси тузилган ва уни бузиш қатъий тақиқланган.

— Яраштириш комиссиялари соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш мақсадида кенг тарғибот ишларини амалга оширмоқда, — дея суҳбатчи давом эттиради Омила Арипова. — Бу оилавий қўйди-чиқдиларнинг олдини олишда жуда қўл келмоқда. Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак. Жорий йилнинг уч ойи давомида маҳалла Яраштириш комиссияларига оилавий келишмовчиликлар юзасидан 782 та ариза тушган. Шундан 770 таси Яраштириш комиссиялари томонидан муҳокама этилиб, кўпчилиги ижобий ечимини топди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур комиссия таркибига фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, ҳудуддаги ички ишлар органлари профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, таълим муассасалари раҳбарлари ёки уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, оилавий поликлиника шифокорлари, ҳаётий тажрибага эга, намунали оила бошлиқлари, маҳалла ўртасидаги обрў-эътиборли фаоллар, жумладан, ташаббускор ёшлар киритилади.

Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинига Собитхўжа Имомов раислик қилиб келяпти. Маҳаллада тўй ва оилавий маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Қувонарли томони, раис ҳамда яраштирув комиссиясининг саъй-ҳаракатлари натижасида маҳаллада биронта ҳам қўйди-чиқди содир бўлмади.

Айнан шундай фикрларни Олмазор туманидаги Турсунхўжа Эргашев раислик қилаётган «Гузарбоши», Ҳамза туманидаги Убайдулла Миноварҳўжаев раислик қилаётган «Беҳизор» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

— Оилалардаги келишмовчиликлар асосан йигит ва қизларнинг турмуш қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёр эмасликлари натижасида келиб чиқмоқда, — дейди Олмазор туманидаги «Ачаобод» МФЙ яраштириш комиссияси аъзоси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Муҳаррам Расулова. — Ҳудудимизда 600 хонадон аъзолари истиқомат қилади. Баъзан ёшлар орасида можаролар бўлиб туради, албатта. Бундай пайтда уларни ёмон ўйлардан қайтариш даркор. Фарзандли бўлиш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш шулар жумласидан. Ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса, турмушда учраб турадиган камчиликларни бартараф этиш мушкул эмас. Оғир-босиқ, тили ширин инсонларгагина қўша қариш бахти насиб этади.

Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Раҳбар Усмонова Муҳаррам опанинг гапини давом эттириб, шундай деди:

— Ўтган йилдан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда «Намунали қайнона», «Намунали қайнота» ҳамда «Намунали келин» кўрик-танловлари ўтказилди. Бу фаолиятимизда ниҳоятда катта ўзгариш ясади. Лекин айрим маҳаллаларда Яраштириш комиссияси фаолияти кўнгилдагидек йўлга қўйилмаганлиги ҳам бор гап. Мазкур комиссия аъзоларидан талаб битта — улар ўз билимларини ошириб боришлари зарур. Уларга қарата айтмоқчиманки, келинглар, бир-биримизнинг илғор тажрибаларимиздан воқиф бўлайлик. Билмаганларимизни ўрганайлик. Яқин ҳамкорликда ишласак, ҳар қандай камчиликка биргалашиб барҳам беришимиз мумкин.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
9 772010 500009
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva
Bosishga topshirish vaqti -00.00
Topshirildi - 00.20
E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.
Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 2 4 5